Мактабгача тарбия муассасаларида

«БОЙЧЕЧАК»КА ЖОЙЛАСАК, ДЕЙМИЗ...

Кузнинг баргрезон кунларидан бири. Римма Петровна турмуш ўртоғи ва болаларига нонушта ҳозирлади-ю, юмушга жўнади. Марказий кўчадаги чорраҳада боласини етаклаб келаётган Альбинани учратиб қолди. Альбина маъюс, катта-катта мовий кўзларига ғам соя солиб турарди.

— Нега хафа кўринасан? — сўради Римма Петровна Альбинанинг ногирон боласига кўз ташлаб.

— Ишласам, дейман. Ўзингиз биласиз, хаста болам билан қаерда ҳам ишлашим мумкин? — ҳасратини тўкиб солди у.

Римма Петровна Олейникова Альбинани қизалоқлик пайтларидан яхши билади. Кўз олдида ўсди. Оила қурди. Фарзандли бўлди. Аммо тақдир тақозосини қарангки, кичик ўғли ногирон бўлиб қолди. Бу ҳол Альбинани уйга ўтқазиб қўйди. Болани «ногиронлар уйи»га топшириш-га эри иккисининг ҳам кўзи қиймайди. Фарзанд юрак қонидан яралган: «Осмон йироқ, ер қаттиқ» деганларидек, онаизорга тирикчилиги татимайди. Уям тенгдошлари сингари ўйнаб-кулгиси, ишлагиси келади. Азалий орзуси боғчада ишлаш эди.

— Бизнинг боғчада иш бор. Келгин, хўпми? Бир болангни амаллаб катта қилиб оларми-миз, — деди меҳрибонлик билан Олейникова. — Уша воқеага ҳам анча бўлди. Ҳозирги кунда Альбина боғчада ишламоқда. Боласи ҳам катта бўлиб қолди. Шуниси яхшики, у Римма Петровна билан бирга ишлаб кам бўлмади, оёққа туриб олди. У ўз устозидан миннатдор.

Бу — Римма Петровна Олейникова ҳаётидан бир шингил, холос. Нафсиламбрини айтганда, унинг кўпларга яхшилиги синган. Кўпгина ёш тарбиячилар Римма Петровнадан иш ўрганиб, турли боғчаларда меҳнат қилаяптилар. Муқаддас Тошбоева, Нодира Муҳаммадиева, Гулсара Жўраева сингари қизлар эса бугунги кунда унинг ишонган шогирдларидандир.

Мен Олейниковани Қарши давлат педагогика олийгоҳини битириб, боғчада тарбиячи, услубшунос бўлиб ишлаб юрган йилларидан буён биламан. Бир пайтлар «Қашқадарё ҳақиқати» газетасининг мухбири эдим. Уша кезларда Римма Петровна тўғрисида «Онадек саховатли» сарлавҳали мақола ёзганман. Бунга сабаб — Риммани меҳрибон, жонкуяр тарбиячилиги, ўз ишига масъулият билан қараши ва фидойилигидир. Ўшанда у юзи олмадек таранг, очиққина, шўх ва самимий боқувчи дуркун қиз эди. Йиллар бизни доғда қолдириб, дарёмисол оқиб ўтди. Энди ёшлигимиз, орзу-умидларимизни фарзандларимиз камолида кўриб, шукр қилиб юрибмиз. Йиллар ўтиб Римма Петровна билан яна учрашдик. У энди «Бойчечак» боғчасининг мудираси.

...Мудира шинамгина хонасида елкасига шол рўмолини ташлаб ўтирарди. У мени эски танишларга хос мулозамат билан қарши олди. Аммо негадир иккиланиб, безовталаниб турарди. Сабабини сўрадим. Унинг гапига қараганда, район халқ таълими бўлими мудири бир йиғилишда: «Келган мухбирларни менинг рухсатимсиз иш билан таништирманглар!» — деб кўрсатма берибди. Эшитиб ҳайрон бўлдим. Шундай бўлса-да, мудира менга боғчани кўрсатди. Кейин эса масалани ойдинлаштириб олишга тўғри келди. Мудирнинг кўрсатмаси ҳам бежиз бўлмаган экан. Айтишларича, «мухбирман» деб бир кимса роппа-роса 5 кун район хўжаликларида бўлиб иш билан танишган, қуюқ зиёфатларни еб, жуфтакни ростлаган эмиш. Кейин маълум бўлишича, у бир ёлғончи, фирибгар экан. Шунинг касри бўлиб, сал бўлмаса кўнгил хираликка сабаб бўлай деди.

«Бойчечак» боғчасининг ўрни бир пайтлар тап-тақир яланглик эди. Ҳозир бу жойлар кўм-кўк бўстонга айланибди. Атрофи пайжарали девор билан ўралган боғча ҳовлиси каттагина. Мевали дарахтлар ёш ўсмирлар каби бўй кўрсатибди. Қийғос очилган турфа хил гуллар ҳовлига файз, нафосат бағишлаб турибди. Ёзлик айвонлар ҳам шинам, ораста. Ўйин анжомлари жой-жойида. Ҳовли саҳни чиннидек тоза. Қўш қаватли боғча типовой услубда ҳашаматли қилиб қурилган. Бу ердаги ҳар нарса мудира ва тарбиячиларнинг покиза қўллари, эътибори, меҳри туфайли нурланиб, файзланиб турибди. Ҳар бир гуруҳ учун ажратилган хоналар ҳам кенг, қулай.

—К. Маркс номли давлат хўжалиги жамоаси, 239-қурилиш идораси ва шунга ўхшаш оталиқ ташкилотлар кўмагида боғчамизда фаровонликка эришаяпмиз, — дейди мамнуният билан Р. Олейникова. —Аммо «иш бор жойда, камчилик бор» деганларидек, боғчамизни табиий газ иситиш системаси билан таъминлаш ишлари оқсаб қолди. Ўйлайманки, бу ўринда район ҳокимияти ва газлаштириш ишлари мутасадди ташкилотлари ўзларининг ёрдамини аямайдилар.

Римма Петровна билан суҳбатлашар эканмиз, яқинда чоп этилган «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ўқиган-ўқимаганлигини сўрадим.

— Нега ўқимайин? Ўқидим. Бу Қонун айни кўнгилимиздаги гап бўлди. Шукрким, биз ҳам энди ҳуқуқ ва бурчларимизни белгилаб берувчи юридик ҳужжатга эга бўлдик. Боғчамиз жамоаси билан Қонунни қизғин муҳокама қилдик, — деб жавоб берди у.

...Боғчадан қайтар эканман, йўлда таниш аёлларни учратдим.

— Қизим билим юртини битириб келди, «Бойчечак»да ишлаш нияти бор, — дейди Иззат хола.

— Овсинимнинг болалари шу боғчага қатнайди. Мен ҳам фарзандларимни «Бойчечак»ка жойласам, дейман, — дейди Лолахон.

Ш. НОРҚУЛОВА.

Давлат тили тўғрисидаги Қонун амалда

ЭҲТИЁЖ ВА ЭҲТИРОМ

Жумҳуриятимизда қабул қилинган давлат тили тўғрисидаги Қонунда меросий — эски ўзбек ёзувини кенг миқёсда ўргатиш ҳақида алоҳида банд бор. Чунки янгича тафаккурлаш шарофати билан бу ёзувни ўрганиш маънавий эҳтиёжлардан бири бўлиб қолди. Уни ўргатиш ҳозирги кун талабларига қай даражада жавоб беради?

Жамоатчи мухбиримиз Машрабжон Раҳмоновнинг Андижон вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти она тили ва адабиёти хонасининг мудири Одилжон КОМИЛОВ билан суҳбати ана шу мавзуда бўлди.

— Ўқитувчиларни, улар орқали барча ўқувчиларни эски ўзбек ёзувининг қайси хусуситлари кўпроқ қизиқтиряпти?

— Бу ҳақда радио, телевидение эшиттиришларида, йиғилиш ва анжуманларда жуда кўплаб фикрлар айтилди. Мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Араб алифбосига таянилган ҳолда яратилган меросий ёзувимиз — настаълиқ она тилимиздаги савт,яъни товушларни мукаммал ифодалайди. Ў бизга Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Лутфий, Алишер Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат каби оламшумул адибларнинг маданий меросини бутун назокати, латофати, олмос қиррали мураккабликларигача етказиб бера оладики, бу унинг беқиёс ифода қудратидан далолат беради. Ўн уч асрлик маънавий-адабий ва маърифий меросимиз мазкур ёзув орқали акс эттирилган. Унга бўлган буюк эҳтиромнинг боиси ана шундадир.

— Вилоят мактабларида бу ёзувнинг ўқитилиши Сизни қаноатлантирадими?

— Кейинги йилларда бу ишга астойдил киришилди. Қувончли ўзгаришлар катта. Ўз ишларини замон талаблари асосида ташкил этаётган раҳбар ва ўқитувчилар бутун имкониятларини ишга солиб муваффақиятларга эришмоқдалар. Хусусан, Пахтаобод районидаги 19-, Андижон районидаги 1-, Марҳамат районидаги 27-, Охунбобоев шаҳридаги 1-, Андижон шаҳридаги 23-, 31-, 33-мактабларда бу фанни ўқитиш намунали ташкил этилган. Асака районидаги 36-ўрта мактабдан Олимжон Раҳимов, Андижон шаҳридаги 23-мактабдан Ҳамрохон Ашурова, Шаҳрихон районидаги 28-мактабдан Аслиддин Солибоевлар бу борада карвонбошилик қилишяпти. Улардаги бой билим ва малакалар бошқалар учун ҳам тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда.

Афсуски, кун ўтса бўлди, оч қорним — тинч қулоғим қабилида иш тутаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар ўқувчиларнинг жуда катта маънавий эҳтиёжи, қатъий талаби билан ҳисоблашишни истамаётирлар. 1991-92 ўқув йили режасида 2-синфдан бошлаб бу ёзув алоҳида дарс сифатида киритилган. Ҳафтасига бир соатдан вақт ажратилди. Ички имкониятларни ҳисобга олиб, уни кенгайтириш мумкин. Кўп мактабларда ҳафтасига икки-тўрт соатдан баҳоли қудрат дарс ўтилди. Афсуски, вилоятдаги 30-40 фоиз мактабларда бу фанга бирор соат ҳам вақт ажратилмади. Баҳона доимо шай: мутахассис йўқ! Афсуски, улар мутахассис тайёрлаш мақсадида очилаётган ўнлаб махсус курсларни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Қизиққан ўқитувчиларни ўқишга жўнатишмайди. Ваҳоланки, бизнинг институтимизнинг ўзидагина ўтган йили режадаги 150 ўрнига 196 мутахассис тайёрланди.

— Махсус курс, табиийки, ҳаммани қизиқтиради. Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Институтимиз қошидаги мазкур курс 30 тингловчига мўлжалланган бўлиб, унда бир ой машғулотлар олиб борилади. Курсда Фатҳиддин Исҳоқов, Ҳайрулла Умрзоқов, Аслиддин Солибоев каби устодлар сабоқ берадилар. Тингловчилар ҳам танлаб олинади. Бу эса тайёрланаётган мутахассислар билим савиясининг юқори бўлишига имконият яратяпти. Машғулотлар назарий ва амалий йўналишларда олиб борилади. Ҳозирча ўзлаштирмовчилар учраганича йўқ. Аксинча, барча қалдирғочларимиз парвози баланд. Иштиёқмандларга эса эшикларимиз кенг очиқ.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ЭҲТИРОМИ

Ўрол Қўчқоровнинг номини Деҳқонобод районида яхши билишади. Бу инсон умр бўйи эл манфаати йўлида елиб-югурди. Мактабда ўқитувчи, жамоа хўжалигида ранс, қишлоқ кенгаши котиби ва ранси, давлат хўжалигида бўлим бошқарувчиси, директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Меҳнат қилган элда азиз деганларидек, Ў. Қўчқоров халққа хизмати туфайли катта обрў орттирди. Энг оғир шароитларда ҳам эл бирлиги, Ватан равнақи учун курашди. Ўз элининг меҳр кўзгусига айланган инсоннинг номи мангуликка дахлдордир. Ёшларга бош, кексалар билан ҳаммаслаҳат иш тутиб эл оқсоқоли деган номга мушарраф бўлган инсоннинг номи яқинда ўзи ўқитувчилик қилган Павлик Морозов номли мактабга қўйилди.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

●

Эллик йилдан ортиқ Қамай халқига оқсоқоллик қилиб, халқни эзгу ишларга йўллаб келган марҳум отахон Норбой Нурбоевнинг номини Қамаши райони Қамай қишлоғидаги 22-мактабга қўйиш маросими бўлди. Маросимда сўзга чиққанлар Н. Нурбоевнинг энг яхши хислатлари, айниқса, халқни, ёшларни тарбиялашдаги хизматлари, замон руҳини маҳаллий шароит билан боғлаб олиб борувчи ижодкор ташкилотчи эканликлари ҳақида гапирдилар, ёшлар эса марҳум бобонинг хотираси шаънига аъло ўқиш, интизомли, меҳнатсевар кишилар бўлиб етишишга қасамёд қилдилар.

И. АҲМЕДОВ.

ҚИЗИҚУВЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Учқўрғон ноҳиясидаги Охунбобоев номли мактабда бир гуруҳ ўқитувчи ва тарбиячилар Карима ая Абдуллаевадан қисқа фурсат ичида эски ўзбек алифбосини ўрганиб олдилар. Мазкур фан моҳири Карима ая дарсларни режа ва дастур асосида олиб борди. Натижада барча мамнун. Қизиқувчилар сони эса кўпайиб бораётир.

А. АБДУҒАНИЕВ,
Учқўрғон районидаги Ойбек номли мактаб ўқитувчиси.

Меросимизни ўрганамиз

ХАЛҚНИНГ ҲИМОЯЧИСИ

ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИЖОДИГА БИР НАЗАР

XIII аср охири ва XIV аср бошида Хоразмда яшаб ижод этган Паҳлавон Маҳмуд (1243-1326) фалсафий-дидактик мавзудаги шеърияти билан ўз даврида шуҳрат қозонган. У полвонликда ҳам машҳур бўлган. Унинг ҳаёт йўллари ҳақида аниқ бир маълумотлар сақланмаган. Аммо манбаларда айрим эпизодлар мавжуд.

Паҳлавон Маҳмуднинг асосий касби пўстиндўзлик, телпакдўзлик бўлса-да, миллий кураш билан ҳам астойдил шуғулланган. Кўплаб қобилиятли полвон шогирдларни тарбиялаб етиштирган. У пўстиндўзлик, телпакдўзликдан тушган даромадни, курашдаги ғолиблик учун олган мукофотларни инсонпарварлик ғояларига тўла амал қилган ҳолда шаҳар ва қишлоқлардаги етим-есирларга, кўзи ожизларга бўлиб берган. Шу важдан халқ уни ўз ҳимоячиси деб билган. Нақл қилишларича, кунларнинг бирида султоннинг ўғли Хива атрофидаги уч қишлоқ аҳолиси солиқни ўз вақтида тўлай олмагани учун ғазаб қилиб, уларга берадиган сувнинг бошини беркитишни буюради, қишлоқ аҳли йиғилишиб Паҳлавон Маҳмудни шаҳзода ҳузурига бошлаб боради, шунда у тўрт қатор рубоий ёзиб, шаҳзоданинг қўлига беради.

Қишнинг куни ёқилган гулхан олови баҳорнинг гулидан яхши.

Бир парча намат Румнинг
атласидан яхши,
Ер вали ўғли Маҳмуд
сўзларини тингла,
Хайрсиз одамдан лўлининг
ити яхши.

Бу рубоийни ўқиб шаҳзода қанчалик ғазабланмасин, барибир халқпарвар шоирга қарши ҳеч нима қила олмайди. Чунки бу даврда елкаси ерга тегмаган забардаст курашчи, халқпарвар ва оташин, ҳурфикрли шоир сифатида Паҳлавон Маҳмуднинг довруғи етти иқлимга машҳур бўлган эди.

Эронлик адабиётшунос олим Саид Нафисий эса «Сарчашмаи тасаффув дар Эрон» асарида «Футувват-жувонмардлик гуруҳининг улуғ пешволаридан бири машҳур шоир Паҳлавон Маҳмуд Хоразмий» эканлигини алоҳида тилга олади. Олимларимиздан Тўхтасин Жалолов ва Ёқубжон Исҳоқовлар бу фикрга тўла қўшилган ҳолда, Ўрта Осиёнинг довюрак исёнкорлари — сарбадорлар ҳам жувонмардлар гуруҳига мансуб бўлганлигини, уларнинг ахлоқий қарашлари мардлик ва унинг безаги: марҳамат, шафқат, мурувват, саховат ва олижаноблик асосига қурилганлигини таъкидлайдилар.

Паҳлавон Маҳмуд Футувват-жувонмардлик ҳаракатининг ташкилотчисигина эмас, унинг маънавий раҳнамоси эди. Шоирнинг мардлик ва олижаноблик руҳидаги рубоийлари шундан далолат беради.

Олам фили қайтаролмас
суръатимиз,
Чархдан зўрроқ қудратимиз — шавкатимиз,
Гар чумоли кириб қолса
сафимизга,
Шер этажак уни дарҳол
давлатимиз.

Паҳлавон Маҳмуднинг қайси бир рубоийсини таҳлил қилманг, унда шоирга мансуб бўлган футувват-жувонмардлик оқимининг ахлоқий хусусиятларига хос муҳим белгилар кўзга ташланади. Шоирнинг рубоийларида ҳунарманд-косиблар, темирчилар, қуролсозлар, мисгарлар, дурадгорлар, кулоллар, мўйнадўзлар, тўқувчилар, тиқувчилар ва меъморларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ифодаланган.

Ўз нафсинга бўлгин амир,
шунда мардсан,
Ўзгаларга бўлма ҳақир,
шунда мардсан. —
Йиқилганни тепиб ўтиш
мардлик эмас,
Афтодага бўлсанг дастгир,
шунда мардсан.

Бу ғоявий йўналиш Паҳлавон Маҳмуднинг дунёқарашига хос бўлиб, барча рубоийлари мазмунига сингиб кетган. Мутафаккир ахлоқий қарашларининг ўзига хос томони шундаки, у инсонни, унинг ақл-заковатини, ахлоқий камолотини, дил поклигини ва руҳ комиллигини улуғлайди. Унингча, киши — инсон деган юксак номга лойиқ бўлиши учун аввало ўзида гўзал инсоний фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан бўлса керак, шоир кишиларга турмушнинг қувончли ва ғам-ғуссали дамларида ҳам фаҳм-фаросат ва ақл ёрдамида иш тутиб, халққа меҳрибон ва яқин бўлишни маслаҳат беради. Кимки ўз эли ҳақида жон куйдирмас экан, бундай бефарқ киши халқ қаҳрига учрайди, дейди у.

Паҳлавон Маҳмуднинг фикрича, инсон ва халқ бир-биридан ажратиб бўлмайдиган тушунчалардир, айни чоқда у ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўймаса, ҳаётдаги ўз ўрнини яхши тушуниб етса, элга ғамхўр бўлса, уни ҳақиқий инсон деб аташ мумкин.

Подшолик истасанг, бўл
эл гадоси,
Ўзингни унут-у, бўл эл
гадоси.
Эл тожи қай бошга кўтарсин десанг,
Эл қўлин тутгин-у, бўл
ҳокипоси.

Паҳлавон Маҳмуднинг талқинича, инсондаги ахлоқий фазилатлар ўз-ўзидан вужудга келмайди, айниқса, у ўзаро муносабатлар орқали намоён бўлади ва секин-аста ривожланади:

Дағал дили доим эзилган
бўлур,
Талаб йўли унга тўсилган
бўлур,
Ёмон — яхши билан ким
келишолса,
Дили шоду ғамдан
қутилган бўлур.

Мутафаккирнинг фикрича, одамлар табиатан турлича бўлиши мумкин: шундай одамлар борки, қалби мисли дарёдек кенг, булоқ сувидек мусаффо, саховатли, мурувватли, одамохун, кек нималигини билишмайди, бундай хуш ахлоқ кишиларни шоир мевали дарахтга қиёслайди. Халқ ҳурматига сазовор бўлган бундай кишиларга ҳасадгўйлар отган тошлар ҳечам кор қилмаслигини уқтиради.

Кўнглим оппоқ, на кек
ва на киним бор,
Душманим кўп ва лекин
мен ҳаммага ёр.
Мевали дарахтман, ҳар
бир ўткинчи
Тош отиб ўтса ҳам, менга
бўлмас ор.

Турмушда яна шундай тоифадаги одамлар ҳам борки, уларда худбинлик, фақат ўз манфаатини кўзлаб, ўзгаларга панд бериш устунлик қилади, қалбида эса гина-қудурат сақлайди, шоир бундай нияти бузуқ кишилардан эҳтиёт бўлишга даъват этади.

Паҳлавон Маҳмуд назарида, бундай тоифадаги кишилар ахлоқан мукаммал шахс билан бир ижтимоий муҳитда яшаса, бевосита улар таъсирида мард, саховатли ва хуш ахлоқ одам бўлиб тарбияланиши, аксинча эса, ахлоқи нопок, хасадгўй, номард кишилар таъсирида бўлса, уларга қўшилиб ярамас хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин.

Оқил ақли ҳисга гирифтор бўлмас,
Хасад қилган билан тилло
хор бўлмас,
Номард — ит кабидир,
мард буюк дарё,
Дарё ит дамидан ҳеч
мурдор бўлмас.

Паҳлавон Маҳмуд инсон табиатида мавжуд бўлган покликни асраши керак, асло у айёрликка, макр-ҳийлага берилмаслиги лозим, дейди. Инсон доимо ўзига танқидий кўз билан қарай билиши, сўнгра эса бошқаларникини сеза олиши зарур. Шоир ўз камчилигини сезиб, уни вақтида тўғрилашга ҳаракат қилмаганларни қаттиқ танқид этади, ўз камчилигини кўриб, уни тузатишга саъй-ҳаракат қилганларни эса олқишлайди:

Филдай кучинг бўлса ҳам,
мўр бўлиб кўрин,
Молинг ошиб-тошса ҳам
ур бўлиб кўрин,
Ҳамманинг айбини билганинг ҳолда,
Ҳеч нарса билмагандай,
кўр бўлиб кўрин.

Мутафаккирнинг фикрига кўра, доно кишилар даврасида бўлиб суҳбатидан баҳра олиш ва уларга иззат-ҳурмат билан холисона хизмат қилиш инсон учун яхши хислатдир.

Аммо дунё иши мисли нард ўйинига ўхшайди, ҳар доим мардларни номардлар юз хил ҳийла-найранглар билан мағлубиятга учратади, деб ачинади:

Одам иши бошида бўлсайди бир мард,
Номарднинг бошидан чиқарарди гард.
Олам иши доимо мисли
нард ўйин.
Найранг билан ютади
мардларни номард.

Айни чоқда инсондаги нодонлик иллатлари худбинлик ва хасисликни келтириб чиқаради. Шу боисдан у зеби-зийнат ичида яшашга бўлган ҳар қандай интилиш ва бойликка ҳирс қўйишни қаттиқ қоралайди, инсон ҳаётининг мазмуни бу билан белгиланмаслигини уқтиради.

Мутафаккирнинг бундай мулоҳазасида чуқур маъно борлигини пайқаб олиш қийин эмас. у кишиларга бадавлат бўлсанг ҳам, лекин «эски чориғингни унутма» деган нақлни эслатади. Шунингдек, инсонни эркин ва бировга қарам бўлмасдан яшашга даъват этади.

Паҳлавон Маҳмуд элдошларини ўзаро аҳил, дўстона яшашга, дўстликнинг қадрига етишга чақиради. Ҳақиқий дўст ўз дўстини энг оғир кунларда ҳам ташлаб кетмайди. Бундай «вафоли кишининг ити бўлишга ҳам розиман, чунки вафосиз кишидан ит яхши», деб таъкидлайди.

Шоирнинг дўстлик ҳақидаги фикрлари бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган. У меҳмоннавозлик қоидаларига ҳам тўхталиб, меҳмонга айтмаганникига ҳечам борма, акс ҳолда қадринг кетади, бировнинг ширин таомидан кўра, миннатсиз қотган нону совуқ сув афзал эканлигини таъкидлайди:

Борма айтмаганнинг дастурхонига,
Қўл узатсанг, қадринг
тушар, нонига,
Қўшма ўзгаларнинг барра
кабобин,
Қотган нону совуқ
сувинг сонига.

Паҳлавон Маҳмуднинг тасаввурида, ҳаётнинг мақсади яхшиликнинг нуқсонга, эзгуликнинг ёвузликка қарши бетўхтов курашидан иборатдир. Шундай экан, шоир эзгуликнинг ёвузлик устидан тантана қилишига ишонмоқ кераклигини алоҳида уқтиради.

Паҳлавон Маҳмуд ростгўйлик, тўғрисўзликни инсоннинг муҳим ахлоқий фазилатларидан деб тушунади. Унингча, ростгўйлик фақат кишиларнинг ўзаро гап-сўзларида ифодаланиб-гина қолмасдан, балки уларнинг хатти-ҳаракатида, юриш-туришида, одамларга ва жамиятга бўлган муносабатида, илм-маърифатга интилишида акс этмоғи лозим.

Маърифатнинг тили —
чолғу-нойимдир,
Ақлим — қилич, сўзим
— ўқу ёйимдир,
Имтиёзлар мулкин шоҳи
билурким,
Сўз майдони — ишғол
қилган жойимдир.

Паҳлавон Маҳмуд бизнинг кўз ўнгимизда инсоннинг бахт-саодати ва фаровон ҳаёти учун курашган инсонпарвар шоир, ҳур фикрли мутафаккирдир.

С. ҲАСАНОВ,
Тошкент давлат аграр дорилфунуни маданият, ижтимоий психология, педагогика кафедраси ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди.

Ўқитувчи фикри

ЗУККОЛАР КЎПАЙСИН

Ҳаётимни ўқувчиларсиз тасаввур эта олмайман. Тункун хаёлимда ўқувчилар билан қандай қилиб дарс самарадорлигини ошириш тўғрисида ўйлаб юраман. Қирқ беш минутлик дарс назаримда ўқувчи учун унинг фикрлаш доирасини ўстириш, мустақил фикрини баён этишда етарли эмасдек туюлади. Шунинг учун кўпроқ ўқувчилар билан дарсдан сўнг машғулотлар ўтишни яхши кўраман.

Маълумки, мактабда Алишер Навоий ижодини ўрганишга жуда кам соат ажратилган. Бу вақтда ўқувчи ва ўқитувчи ҳам Навоий ижодини мукаммал ўрганиб чиқишга, бир-бирининг фикрини яхши билишга улгура олмайди. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун дарсдан ташқари машғулотларни кўпайтириш жоиз деб билдим ва буни амалда синаб кўра бошладим. Натижа ёмон бўлмади. Ўқувчиларга мусобақа шаклида топшириқлар бердим ва бунга барча юқори синф ўқувчиларини жалб этдим, йўналишлар бериб турдим.

Натижа шундай бўлдики, ўқувчилар бу мусобақага астойдил киришдилар ва Навоий ғазаллари, рубоий, муҳаммаслари, эпик асарларидан парчаларни ёд олишиб, улардан саҳналаштириб, барчага манзур мусобақалар уюштира бошладилар. Шундан сўнг, улар мусобақаларни тез-тез ўтказиб туришга мени ҳам даъват этишди. Бу мусобақаларда улар наинки Алишер Навоий ижодини бадиий сўзда ифода этишди, балки асарларга расмлар ҳам ишлашиб, ўзларининг ҳар томонлама қобилиятларини кўрсата билдилар. Айниқса, 3 та ўнинчи ва иккита ўн биринчи синфлар орасида ғолиб чиққан 10 «Б» синф ўқувчилари бу борада ўз қобилиятларини намойиш этдилар.

Янги ўқув йилида ҳам билимдонлар баҳси давом этади. Ўқувчилар бу синовларда нафақат дарсликлар, айниқса, қишлоқ кутубхонасидаги бой билим манбаларини эгаллашга ҳаракат қилади.

О. РАББИМОВА.

ЯНГИ АВЛОД ТАРБИЯЧИСИ

Сурхондарё вилояти «Ленин йўли» районидаги Абу Али ибн Сино номли 28-ўрта мактаб жамоаси шу илм масканининг бошланғич синф ўқитувчиси Қобул Бобомуродовни кичкинтойларнинг ғамхўр ва меҳрибон устози сифатида яхши билишади. Шунингдек, улар Қ. Бобомуродовнинг билим даргоҳида фаолият кўрсатаётганларнинг 90 фоизига бошланғич берганлигини ҳам алоҳида бир мамнуният билан тилга олишади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Қ. Бобомуродов болажон, ҳар бир мурғак қалбга тезда йўл топа оладиган мураббийдир. У «Бола қалби тоза, ёзилмаган оқ қоғозга ўхшайди, унга фақат яхшиликларни ёза билиш керак», дея шогирдларига ҳар доим таъкидлайди.

Т. ТУРДИЕВ.

Суратда: Қ. Бобомуродов жажжи ўқувчилари билан табиат қўйнида суҳбат қуряпти.

Хуршид таваллудининг 100 йиллигига

ҲУРРИЯТ ВА ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ



Жумҳуриятдаги олий билимгоҳлардан бирида ўтказилган давлат имтиҳонларида иштирок этарканман, жиддий ўйлантирадиган ҳодисага дуч келдим. Диплом олишига бир неча кунлар қолган ва адабиётимиз тарихидан тушган саволга жавоб бераётган талаба бизнинг асримизда яшаб ижод этган атоқли шоир, машҳур драматург Шамсиддин Шарофиддинов Хуршид ҳақида бирон-бир сўз айтолмади...

Тошкентдаги бадиий олий билимгоҳлардан бирида ўтказилган талабалар илмий конференциясига маъруза тайёрлаган тўртинчи курс талабаси Хуршид ижоди ва ҳаёти ҳақида сўзларкан, «драматург ўз дебоча саҳна асарларини турк ҳарбий контрреволюционерларининг буюртмасига биноан ёзди», дейишгача етиб борди. Бундай маълумотни қаердан олдингиз, деган саволга: «Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-текшириш институти тайёрлаб, чоп эттирган «Ўзбек совет театри» китобидан» дея жавоб берди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Адолат» комиссияси шахсга сиғиниш даврида қатағонга учраган, ноҳақ айбланиб, шаънига қора тамға урилган атоқли адабиётчилар, йирик маданият намоёндаларининг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий конференцияни Тил ва адабиёт илмгоҳи билан ҳамкорликда ўтказдилар. Мазкур анжуманда Хуршиднинг пок шаънига манфур тамғалар урилгани, у «жадид» «пантуркист», «халқ душмани», «миллатчи» дея қоралангани ва ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан бадарға этилгани ҳақида сўзлаганимизда, ушбу анжуманда иштирок этаётганлардан, ҳатто бир қатор қалам эгалари, бир неча мунаққидлар ҳам Хуршиднинг бундай қораланиб, бадном этилганини эшитмаганлари тўғрисида ажабланиб гапирдилар.

Хуршиднинг ўзбек саҳна шиллерномаси, шекспирномаси, темурномаси, ҳиндистонномасига ҳам дастлаб кўприк ташлаб бергани драматургия, театр, таржимонлигимиз тарихида сўнгги пайтларгача хаспўшланиб келинмоқда. Яқинда жумҳуриятимизда байрам этилган Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан ҳам бадиий навоийномамизга кўприк ташлаб берган, саҳна навоийномасининг асосчиси бўлган ушбу атоқли санъат намоёндаси, машҳур қалдирғоч драматург ҳақида адолатли сўз юритилмади, муносиб баҳо берилмади, унинг мўътабар номзоди Навоий номидаги давлат мукофотига ҳавола этилмади ҳам. Ваҳоланки, Хуршид 20-йиллардаёқ ҳазрат Навоий достонларини дадил саҳнага олиб чиққанида тазйиқларга дучор бўлганди, ажойиб «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ларни театрлаштиргани учун 30—40 йилларда «буржуа-миллатчилик мафкураси билан суғорилган асарларнинг яратувчиси» деган қора тамға билан ҳақоратланган эди...

Келинг, тарих тилга кирсин-у, Хуршид ҳақидаги ҳақиқат жонлансин.

ҚАРОРНИНГ ҚАРО ИШИ

1946 йилнинг сентябрь ойи... Тошкентда уч кундан бери ёзувчиларнинг катта йиғилиши иш олиб бормоқда. Тўрт йил давом этган уруш ҳамманинг тинкасини қуритган, «заборний карточка»га кўра «қулоққа ўлчаб нон бериш» ҳали ҳам давом этарди. Урушнинг оғир йилларида одамлар кийган «телогрейка» ҳали устидан тушгани йўқ, ёғи елкага чиқиб кетган... Элда яхши танилган қалам соҳиби Хуршид Бешёғочдаги нон дўконидан ўз оиласига тегишли қора нонни олиб тўрвага солди-да, шаҳар марказига қараб 1-трамвайда йўл олди, у ҳам ёзувчилар йиғилишига чақирилган...

Аҳли ижод мазкур йиғилишга шошилар экан, ҳамманинг ҳаёлида яхши ният эди, тўрт йил уруш қўланкалари боис чеккан азиятларни бироз малҳамлайдиган, самимий, дилни чароғон этадиган сўз эшитсак керак, ахир қалам аҳли ҳам жангларда бўлди, юртни ғалабага чорлади, дея ўйларди... Аммо, афсус, Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси раҳнамун бўлиб орқасида турган ушбу ёзувчиларнинг анжумани иқтидор эгаларининг дардига даво бўлиш ўрнига уларнинг кўпчилигига таъна тошларини отди, адолатсиз ҳужумлар қилди, бегуноҳларни ҳақоратлади, пок шаънига манфур қора тамғаларни урди...

Тошкентдаги ушбу анжуманда қилинган катта маъруза марказида ВКП(б) Марказқўмининг «Звезда», «Ленинград» жаридалари ҳамда театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарори турарди. Мазкур йиғилишда Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Усмон Юсуповнинг ўзи катта нутқ сўзлади ва қатор ёзувчилар томонидан йўл қўйилган «катта жиддий хатоликлар»ни танқид алангаси остига олди. Анжумандаги маърузадан ва «Сталиннинг пўлат суви билан суғорилган» жумҳурият раҳбарининг «оташин» нутқидан сўнг, тақдирига ҳужум тешаси тегмаган, «ждановчилик аямажизи»га йўлиқмаган, сталинизм гармселига дучор бўлмаган ҳақиқий талант соҳиби, атоқли қалам эгаси, саховатли санъаткор қолмади десак, асло муболаға бўлмайди. Ўз карвонбошлари ортидан эргашиб минбарга чиққан ва «ношуд» ижодкорларни танқид алангасига учратишда «чапдаст»лик кўрсатганлар қаторида миллий маданиятимизнинг «меҳрибон ҳомийлари»дан Михаил Шевердин, санъат ишлари бошқармасининг «ижодкорларга соябон» раҳбарларидан Раҳим Қориев, Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг ташвиқот ишлари бўйича котиби Мавлон Воҳобов ва бошқа «ижодпарвар» намоёндалар бор эдилар...

Ушбу анжуманда «бурни қонаганлар»нинг улкан ва кечиримлас хатолари нимадан иборат эканлигини дурустроқ англамоқ учун тегишли маҳкамаларнинг архивидан ана ўша 1946 йилнинг сентябридаги ёзувчилар мажлисининг «материаллари»ни олиб кўриб, ўрганишга тўғри келди. Мана бу «резолюция»га эътибор берайлик-а:

«Буюк Октябрь социалистик революцияси туфайли бунёд топиб, равнақ этган ўзбек совет адабиёти халқ оммасини совет ватанпарварлиги, коммунизм руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшди... Шу билан бирга адабиётда сохта асарлар ҳам пайдо бўлдики, улар совет воқелигига бўҳтон ёғдиради, совет кишисига туҳмат тошини отади. Адабиётимизга манфур, бизга ёт тенденцияларни олиб кириш, ғайри мафкурани пайванд этиш, тушкунлик кайфиятларини, пессимизмни омухта қилиш ҳаракатлари юзага келмоқда. Сиёсатсизлик, ғоясизлик, халқ ҳаётини менсимаслик Хуршид, Ғайратий сингари ёзувчиларни чирқин, ботқоқликка, ижодиётда боши берк кўчага олиб кириб қўйди...»

Бу йиғилишнинг «эътибори»дан ёш ижодкорлар ҳам дариғ қолмади. Масалан, адабиётда классик шаклларга эргашган шоир Саид Назар эскича услубларга рўжу қўйишда айбланди. Ўз ҳикоя, «новелла»лари билан матбуотда қатнашиб турган Саид Аҳмад ҳам совет воқелигини «примитив» аснода ёритишда айбланиб, ўткир «танқид»га учради.

«Улуғбек» операсини яратганлар ҳам ўтмишни идеаллаштиришда айбландилар. Худди шу рўкач билан Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин» тарихий драмаси ҳам қатағонга учради...

70-йилларда мен атоқли бастакор, созанда, ҳофиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шораҳим Шоумаров ҳузурида бўлдим. У ҳам ушбу катта мажлисда иштирок этганини ва кўплар сингари «жонини ҳовучлаб» ўтирганини айтиб берди.

Хуршид саҳна навоийномасининг муҳандиси эди, у бунингдек камситувларга, ҳақоратга асло лойиқ эмасди... Ҳассос санъаткорни «Фарҳод ва Ширин» учун «миллатчи» деб айбладилар, бошига инсон боласи чидолмайдиган ҳақоратларни ёғдирдилар, деди Шораҳим-ота. Бироз сукутдан сўнг — Хуршидни нима учун Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдаган эдилар, деб сўраганимда, у киши бунинг сабабини марҳум Хуршиднинг ўз мисралари билан ифодалаб бергандилар:

Қарорнинг қаро иши,
Усмоннинг «саро» қилмиши.

Мана энди кейинги пайтлардаги олиб борган изланишларимиз туфайли биз шоирнинг «миллатчи» деб айблангани-ю, Ёзувчилар уюшмасидан бадарға этилганининг «жиддий» сабабини аниқлашга муваффақ бўлдик. Қуйида ўша пайтда (1946 йил, сентябрь) «Правда Востока» рўзномасида ёритилган Тошкентдаги ёзувчилар анжуманининг қароридан айнан мана бу сатрларни келтирамиз: «Либретто оперы «Фархад и Ширин», написанное писателем Хуршидом (по одноименной поэме Алишера Навои) искажает идею произведения великого узбекского поэта и проникнуто буржуазно- националистической идеологией...».

Мазкур қарорда яна мана бундай даҳшатли хулоса ва адолатсиз кўрилган чора ҳақида маълумот бор: «Собрание писателей считает, что писатели Хуршид, Гайрати потеряли облик советского писателя, порочат звание члена Союза советских писателей и поэтому недостойны пребывания в его рядах(!)».

Бу йиғилишда қораланган бир қатор ёзувчи, санъаткорлар кейинчалик оқланганлар, шу жумладан Ғайратий ҳам, у ҳатто «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонига сазовор бўлган, унинг устози Хуршид эса оқланмаганича ва Ёзувчилар уюшмасига тикланмаганича ўлиб кетаверди, бегуноҳ ҳақоратланган ажойиб қалам соҳиби, атоқли санъаткорнинг армони қалбида қолаверди!.. Афсуслар бўлсинким, шахсга сиғиниш даври кўланкалари тарқалгандан кейин ҳам ўша 1946 йилдаги манфур қарор Ёзувчилар уюшмасининг қурултойи неча бор ўтказилган бўлса-да, бекор қилинмай келинди (чунки бундан ана ўша даҳшатли ишларни амалга оширишда иштирок этганлардан айримлари ҳали ҳам орамизда юрибдилар—Б. Н.) Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ёзувчилари қурултойи, гарчанд анча ташвишли, нотинч, кам самарали ўтган бўлса-да, бир умрга тарихда қоларли ишни амалга оширди — у ўша 1946 йилда қабул қилинган даҳшатли қарорни бекор қилди ва бу ташаббус қурултой иштирокчиларининг гулдурос қарсаклари билан кутиб олинди. Бекор қилинган ушбу қарорнинг яна бир аҳамияти шундан иборатки, ўша пайтда қораланган ва ҳаётдан кўз юмиб кетган, аммо оқланмай келаётган адабиётчилар, санъаткорлар бор, шоир уларнинг мўътабар номи ва яратиб кетган асарлари тарихда қайта тикланса. Ахир, қолаверса, уларнинг ҳали ҳаёт зурриётлари ҳам бор-ку!..

ХАЛҚ ДУШМАНИМАС, ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Хуршид «миллатчи» дея айбланиб, Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан бадарға этилганидан сўнг унга нисбатан тазйиқлар тобора ортиб бораверди, у яратган янги саҳна асарлари театрларга яқинлаштирилмади, таржималари ҳам қоғозда қолиб кетаверди, шоир томонидан битилган шеърлар матбуотда ёритилмади, яратган жонли, дардли ғазаллари «пессимистик» деб номланди, уларга куйлар пайванд этилмай қолиб кетаверди, назмиёти бирон-бир маротаба «девон» сифатида чоп этилмай ётаверди. Халқ санъаткорининг шаънига ана ўша қора тамға урилгач, у ўз кулбаи вайронасида қолиб кетаверди. Дунёга донг таратган, санъаткорларнинг катта-кичигини дурустгина билган, улуғворларини ҳақиқий қадрига ета олган улкан ижодкор Тамара Хонимнинг Хуршид аҳволоти, аянчли кечинмалари ҳақидаги мана бу ҳикоятига қулоқ берайлик-а:

— Драматург Хуршидни ўша оғир йилларда Бешёғочда учратиб қолдим. Машинада ўтиб борарканман, бозор олдида қоп кўтарган одамга кўзим тушди. Машинани дарҳол тўхтаттирдим, шоир ҳузурига шошилдим. Унинг аҳволи жуда аянчли, кишининг дилбағрини эзиб юборадиган даражада эди: бошида ёғи чиқиб кетган дўппи, устида эски ямоқ камзул, оёғида маҳси-калиш (ёз саратонида), соқоллари ўсиб кетган... Мен унинг ёнига яқинлашдим ва рўпарасида тўхтадим. Ў секин-аста бошини кўтариб, менга қаради. «Хуршид домла» деганимни биламан, у ялт этиб боқди-да юзимга тикилиб қолди, қошлари изидан чиқди... Қопини аста ерга қўйди. Биз қучоқлашиб кўришдик. У ҳам ўзини тутолмай йиғлаб юборди, мен ҳам. Унинг йирик-йирик чаросдек, аммо хорғин, ғамли кўзларида «Қара, мени қандай аҳволга солиб қўйдилар», деган мунг ётарди...

Мен ҳам ҳеч қандай сўз демай унга термулардим, хаёлимдан — сени шу аҳволга солганларга ҳам жазо бордир, худо уларни ҳам омон қўймас, деган фикрлар ўтарди... Менинг нигоҳимда у қандайдир хайриҳоҳлик, самимий инсоний ҳамдардликни ўқирди, чамамда. Биз театрда уни «Хуршиди-тобон» дея чақирардик. Уни Айний, Сўфизода, Уйғур, Қориёқубов, Аброр Ҳидоят, Қодирийлар ҳам шундай деб атардилар... Мен бунингдек улкан ижодкорни, машҳур қалам соҳибини мана шундай ҳолатга келтириб қўйганларни қарғардим, аҳволидан изтироб чекардим... Бу шўрлик «халқ душмани» эканлигига асло ишонмасдим, у халқ душманимас, халқ фарзанди эди. Ҳа, элнинг севимли шоири, буюк ижодкори эди!.. Ҳамёнимдан пул олиб қўлига бермоқчи бўлдим, қўли билан қўлимни қисди, олмади, ғурурли эди. Иккимиз яна йиғлаб юбордик, ўтиб бораётган одамлар тўхтай бошладилар, у қопини елкага олди, хайрлашдик. Шундан кейин уни бошқа кўрмадим...

Хуршид ўз халқининг, Ватанининг фидойи фарзанди эди, у ўз элини нақадар юксак ҳурматлаб эъзозлаганини, унинг одамийлик, ажойиб анъаналар маскани, меҳр-оқибат булоғи, биродарлик макони эканлигини дил сўзлари билан жўшиб, буюк ғурур билан куйлаганини мана бу ўта эҳтиросли, халқпарвар, ватанпарварлик руҳи билан тўлиб тошган заррин мисраларидан ҳам кўришимиз мумкин:

Яша, шонли Ватан, эй муҳтарам, эй
меҳрибон модар,
Ўзингсан дилбарим ҳам сенга мендек
нотавон шайдо.
Ватан меҳрин кўнгулга доимо нақш
этмишам, Хуршид,
Кетар тандин агар руҳим, қолур номим
ҳамон шайдо.

Хуршид киндик қони тўкилган мавлуду масканини ҳамиша муқаддас деб билди, ватандошларини уйғонмоққа чорлади:

Кўзни оч, Туркистон эли, сенга
ғаниматдур букун,
Уйқудан уйғонмоқ, ўқимоққа фурсатдир
букун.
Етди «Сартистон» отин олмоққа
Туркистон яқин,
Тургил сан эй, жон элим тур, вақти
хизматдир букун.
Ерлара кирдинг, босилдинг, ухламоқ
ортиқ етар!
Ухламоқ ғафлат ила халққа хиёнатдир
букун!

Ҳуррият ва истиқлол куйчиси бўлган қалдирғоч шоирнинг 1916 йилда битган мана бу дадил мисраларига назар ташлайлик-а, ундан инқилобга даъват, эркка чорлаш, чоризм зулмидан қутилмоққа, мустамлакачиликни маҳв этиб, мустақилликка эришишга чақириқ уфуриб турибди-ку:

Мустамлака Туркистон, қолдинг қандай
балога?
Халқлар қўлида кишан, оҳи чиқди самога...
«Мустақиллик, озодлик!» — десам тилим
кесдилар.
Борму ҳақ-ла адолат? Дод десамиз
подшоҳа,
Марказидан ун келмиш — арзинг этгил
ҳудога!..

Хуршид 1917 йил февраль инқилобига бағишлаб анча шеърлар, маршлар, мадҳиялар битган бўлса-да, аммо ушбу революциядан бир қанча йиллар аввал халқни, элни зулму ваҳшат исканжасидан қутилмоққа даъват эта бошлаганми, ҳатто чоризм тазйиқларидан ҳайиқмай, Туркистон эли миллатларининг фарзандларини истибдодга қарши курашга, тараққиётга интилишга матбуот орқали чорлашга журъат эта олганди. Масалан, 1914 йилда «Садойи Фарғона» рўзномасида мана бундай мисралар билан ватандошларга мурожаат қилганди:

Бу он вақти тараққийдир, тутинглар
кўзгуси ибрат,
Мукаррам ўлғай то қуртилиб зиллат
сополатдан!..

1917 йилда шоир томонидан яратилган «Туркистон байналмилали»да ҳам халқпарвар, ватанпарварлик аснолари кучли бўлиб, қўшиқ бошдан оёқ ҳуррият ва истиқлолий руҳ билан йўғрилгандир:

Эй ўзбек халқи, тур, уйғон!
Уйғон, ғайрат-ла боқ ҳар ён.
Етур санга бу эзилмоқ,
Тур, тур уйқунги от бу он!..
Уйғон! Етар ортиқ қон,
Йиғлаюр букун Туркистон...

Хуршид ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб «Туркистон марсельезаси»ни 1917-18 йилдаёқ ёзишга ва ижро эттиришга муваффақ бўлганди. У миллий қўшиқчилик санъатимизда дастлаб «марш»лар яратган қалдирғоч санъаткордир. 1917 йилдаёқ яратилиб ижро этилган «Ватан мадҳияси» ҳам ушбу салоҳиятли қалам соҳиби иқтидорига молик эди:

Эй Ватан, эй умри мушфиқ,
Шоду хандон ўл бу кун!..

Ҳуррият ва истиқлолнинг улкан куйчиси 1917 йилда озодлик, тараққиёт, байналмиллаллик, Ватан ва ватанпарварлик руҳи-ла йўғрилган ўнлаб қўшиқ, маршлардан ташкил топган «Ҳуррият мевалари» номли тўпламини ҳам халққа тортиқ этган эди.

Шамсиддин Шарофиддинов дастлабки ўзбек журналистларидан ҳамдир. Унинг долзарб, ҳаётий муаммоларни акс эттирувчи, халқни, элни озодликка, рўшноликка, бунёдкорликка чорловчи ҳароратли мақолалари, жўшқин шеърлари, ҳажвиялари инқилобдан аввалроқ «Ойна», «Бобоамир», «Дилерик», «Ал-минбар», «Садои Фарғона», «Ал-ислоҳ», «Таржимон», «Мулла Насриддин», «Изоҳ» рўзномаларию ойномаларида ёритилиб турарди. 1917 йилдан кейинги вақтларда эса унинг публицистик асарлари «Иштирокиюн», «Садойи Туркистон», «Муштум»ларда босилиб турди. Айниқса вақтли матбуот орқали Хуршид номи халқлар аро кенг таралди, унинг қаламига мансуб асарлар рўзнома, жаридалар боис Истамбул, Санкт-Петербург, Боғчасарой, Самарқанд, Боку, Москва, Қозон, Берлинларга етиб борди ва адабиёт, санъат мухлисларининг эътиборини қозонди.

ЎТТИЗ ТАХАЛЛУСДА ҚАЛАМ ТЕБРАТДИ

Шамсиддин Шарофиддинов 1892 йилда, Тошкентда ўз замонасининг анча ўқимишли, билимдон бўлган зиёкори Аловиддин ўғли Шарофиддин-қори оиласида таваллуд топди. Онаси Хонпошша — отин ҳам зиёкор бўлиб, Себзор даҳасида мактаб тутарди. Шарофиддин отанинг дўст-биродарлари орасида таниқли шоирлардан мавлоно Камий, Нодим Намангоний, Хислат, Мискинлару машҳур Тўйчи ҳофиз ҳам бор эдилар. Шамсиддин уларнинг нафосатли суҳбатлари, назмиёт-кечаларини кўриб, тинглаб улғайди. У шеърият бўстонига эрта қадам қўйди, 13-14 ёшлигидаёқ Шоший, Доий, Шукрий тахаллуслари билан шеър ёзиб, эл оғзига туша бошлади. Ёш қалам соҳиби Яссавий, Жомий, Навоийларни ўз устози билиб, бу буюк ижодкорларга эргашди, уларнинг шеърларига мухаммаслар боғлади:

Яссавий, Жомий, Навоий, Хуршид устоди
экан,
Бўлғусидир халқаро ашъори ижод оқибат.

Ҳа, ўткир иқтидорли ёш қалам эгасининг ушбу мисралари асло муболаға эмасди, ҳақиқат эди,саховатли интилиш, кўп ўтмай амалга ошадиган орзу эди. Дарҳақиқат, кейинчалик бунинг исботи ўлароқ «Правда» газетаси 1937 йилнинг 24 майида мана бундай деб ёзади: «Фарҳод ва Ширин»нинг (Хуршид драмаси) катта ва чинакам муваффақияти — миллий жумҳуриятлар санъатида рўй берган ажойиб инқилобнинг яна бир шаҳодатидир».

Хуршиднинг қил қаламига мансуб жонли, дардли ва ўта таъсирчан ғазаллари билан айтилган классик йўсиндаги «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ёввойи ушшоқ»лар Навоийнинг «Ушшоқи» сифат жигар ҳуни билан битилган беназир ашулалари нафосатга чанқоқ қалбларга олам-олам роҳатлар бағишлаб келмоқда:

Фироқ алангасидан танда жон кабоб ўлди,
Вужуди ғам ила кўнгул уйи хароб ўлди...

Шоир ўттиздан зиёд тахаллусда қалам тебратди, жуда ҳам кўп теран мазмунли, фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган шеърлар, беназир ғазаллар яратди. Хуршиднинг қуйма мисралари билан узоқ йиллар ижро этиб келинган «Дугоҳ», «Ушшоқ», «Баёт», «Мустаҳзод», «Гиря»лар халқ маданий хазинасининг дурдоналари ҳисобланиб қолди, ўнлаб машҳур халқ ҳофизлари, атоқли хонандалар ижро репертуаридан (мундарижасидан) сахий жойни эгаллади.

Халқ ҳаётини, орзу умидларини, сахий интилишларини, дарду аламларини, севинчларини дилга пайванд этиб, дилни эса қаламга, тилга пайванд айлаб, заррин мисралар яратган ўткир қалам соҳибининг иқтидорига «Девони Хоиб», «Девони Шукрий», «Девони Шоҳидий» каби девонлар ҳам мансубдир (афсуски, бундай дурдона, ноёб асарлар ҳанузгача бирон-бир маротаба чоп этилмай, турли маданий жамғармаларда ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди).

Хуршид драматургиямиз ва театрчилигимиз соҳасида ҳам қалдирғоч намоёндалардан эди. У инқилобдан илгариёқ ўзбек мусиқий драмасининг бешигини тебрата бошлаган ва биринчи бўлиб музикали драманинг ўзбекча атамасини «чолғули манзума» ҳамда дастлаб музикали комедияни «чолғули ҳангома» дея кашф этганди. Афсуски, 20-йилларда қўлланиб келинган ушбу ўзбекча миллий атамалар кейинчалик, ўзбек тилига нигилистик муносабатлар билдирила бошланганидан сўнг зикр этилмай, маданий бойликларимиз хазинасидан тушиб қолаверди... Эндиликда миллий тилимиз ўз қадрини қайтадан тиклаб, яна эъзозлана бошланган экан, ушбу унут бўлаёзган атамаларни маданий хазинамизга янгидан олиб кириб, ундан нафосатий фойдалана бошласак, мақсадга мувофиқ бўларди...

Шамсиддин Шарофиддинов ўзининг дебоча саҳна асарларини ҳам анча эрта ярата бошлаганди. У 1912 йилда «Бечора волида», 1913 йилда «Ориф ила Маъруф», 1915-16 йилларда «Қора хотин» (андижонлик чойфуруш ҳиндлар ҳаётидан олинган) чолғули асарларини ёзди. 1917 йил февраль инқилобидан кейинги даврда эса истеъдодли драматург «Кичик аскар», «Буюк аскар», «Заволли Ватан» каби пьесалар яратди ва миллий «театрология»га кўприк ташлаб берди. Кейинчалик атоқли кино санъати намоёндаси бўлиб етишган Наби Ғаниев эса мазкур пьесалардаги етакчи ролларни ижро этиб, олқишларга сазовор бўлганди. «Кичик аскар» мусиқий саҳна асари миллий болалар драматургиясининг ҳам дебочаси бўлиб, унга 1919 йилдаёқ «Иштирокиюн» рўзномасида дастлабки ўзбек театршуноси Мирмулла Шермуҳаммедовнинг тақризи босилган эди. Ўша вақтлардаёқ Хуршид болалар ва ўсмирларни ҳаёт дорилфунуни бўлмиш театрга жалб этишда катта жонбозликлар кўрсатган эди. Намойиш этилаётган спектакллар афишалари тепасига «Театр бермиш биза нур ила зиё», «Театрудин олиб ибрат тараққий топди Оврупо», дея ёзиб қўярди.

Хуршид жадидчилик ҳаракатининг ҳам фаол қатнашчиларидан эди, у ўз ватандошларини янги қалқи қурмоққа, тараққиётга даъват этди, чоризмнинг мустамлакачилик занжирларини парчалашга чақирди. Жадидчилик ҳақида биринчи бўлиб асар ёзган ва дадил саҳнага олиб чиққан ҳам мана шу драматург бўлган. 1919 йилдаёқ «Иштирокиюн» рўзномасида атоқли ёзувчи ва танқидчи Абдулла Қодирий Жўлқунбойнинг Хуршид пьесаси «Жадид ва Қадим»га тақризи босилган эди. Ана ўша вақтлардаёқ янгилик жарчиси, маданиятимиз, мозийимизнинг жонкуяр тарғиботчиси ёш иқтидорларни бағрига қамраб олган «Темур» тўдасини тузди. Саҳнага биринчи бор Амир Темур ҳаёти ва жасорати ҳақидаги ўзбек тилида ўйналган спектакли олиб чиқишга ҳам журъат эта олган Шамсиддин Шарафиддинов Хуршид бўлганди.

Машҳур драматург 30 дан ортиқ катта ва кичик ҳажмда саҳна асарлари яратиб, халқимизнинг маданий қадриятлар хазинасини янада бойитди. Қалам соҳибининг пьесалари қаторида «Имом Ҳасан ва Имом Ҳусан», «Карбало воқеаси», «Ҳамият еринда хиёнат», «Фарҳод ва Ширин», «Заволли Ватан», «Лайли ва Мажнун», «Туркистон», «Қўқон хони, қипчоқлар», «Жамила», «Сиёвуш», «Қоронғи тарих», «Тоҳир ва Зуҳро», «Ойбону», «Юсуф ва Зулайҳо», «Муҳаррам», «Шаҳзода ва тиланчи», «Вомиқ ва Узро», «Асмо», «Салмо» кабилар бордир.

Хуршид ўткир таржимон, бошқа халқлар ижодкорларининг дурдона асарларининг ҳам ўзбек тилига табдилчиси, жонкуяр тарғиботчиси эди. У 20 дан ортиқ машҳур муаллифларнинг жаҳон, шарқ, оврупо классикасига молик саҳна асарларини, шу жумладан Шиллер, Марк Твен, Мамад Қулизода, Гоголь, Ғалиасқар Камол, Журжи Зайдон, Ҳусайн Жовид, Биль-Белоцерковский, Узаир Ҳожибеков пьесаларини ўзбек тилига таржима қилиб ўнинчи, йигирманчи йилларда саҳнага олиб чиқишга муваффақ бўлганди. Шекспирнинг асарини биринчи бор ўзбекчага табдил этиб берган ҳам Хуршид эди — у «Отелло»ни таржима қилганди (ўзбекча матни ҳанузгача сақланиб келмоқда). Фридрих Шиллернинг «Разбойники»сини «Қароқчилар», «Коварство и любовь»ини эса «Макр ва муҳаббат» дея биринчи бор ўзбекчалаштирган ҳам Хуршид Шараф эди. Ушбу асарларни 20-йилларда атоқли ўзбек режиссёри Маннон Уйғур, таниқли татар театр намоёндаси Камол саҳналаштирганлар, ўша пайтлардаёқ бу ҳақда матбуотда хабарлар берилганди.

ДАРДУ АРМОНДА КЕТДИ

— Умр йўлдошим — Хуршидни дастлаб 20-йилларда азият чектира бошладилар: «Пролеткульт» деган бир бало чиққанди ўша вақтларда, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби «эскилик сарқитлари»ни саҳнага олиб чиқдинг, дея уни қамаб қўйгандилар. Навоий асарлари ўша вақтда ишчи-деҳқонларга зарарли деб эълон қилинганди... Мен унда ўн ойлик келинчак эдим, қон-қон йиғладим», деб эслайди драматургнинг умр йўлдоши Ҳалима ая Назирова.

Мен ўша йиллар ҳужжатларини, архив материалларини излашга тушдим, узоқ вақтлар олиб борилган машаққатли иш самаралар берди. Мана бу ҳужжат Ҳалима ая сўзларини исботларди (матнни айнан бермоқдамиз — Б. Н.): «Фархад и Ширин», разрешение к исполнению в театрах, не обслуживающих рабочих и крестьян», 25 февраля 1924 года, № 238, Туркглавлит». Ушбу ҳужжатдан кўриниб турибдики, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и ишчи ва деҳқонларга зарарли деб билинган...

Яна бир жонли гувоҳга дуч келдим — у кекса тошкентлик фахрий, собиқ лейтенант Ҳусниддин Муҳиддинов эди, Хуршид қамалгани ҳақида ўкинч билан ҳикоя қилиб берганди: «Хуршид « Муштум»да ишлаб юрган чоғларида «махсус бўлим» томонидан қамоққа олинганди. Уни Ҳадрадаги, ҳозирги цирк ўрнида жойлашган «Особий отдел» камерасида ётган машъум чоғларини эсга олсам, юрагим эзилади... «Камера яқинига ҳеч кимни келтирманг», дея топшириқ бўлганди, ҳатто «передача» бериш ҳам маън этилганди...».

Тажовуз, айниқса шахсга сиғиниш юксак эгарга минганида, 1936-37 йилларда авжига чиқа бошлади — Хуршид асарлари босилмади, номи ҳамма ёқдан ўчирилиб ташланаверди, моддий аҳволи ҳам ночор бўлиб қолди... Шамсиддин Шарофиддинов ўша вақтдаги жумҳурият раҳбари Акмал Икромовга мурожаатнома ёзди: «28 февралда асарим кўригига киритмай, ҳатто ҳайдаб юбордилар (театр бошлиғи Қориев топшириғига кўра)... Менга нисбатан бундай ярамас муносабатга чек қўйишингизни сўрайман»... Шундай арзномани драматург Файзулла Хўжаевга ҳам йўллади. А. Икромов Марказқўмнинг 22 март 1937 йил, № 1340 хати билан Хуршидга нисбатан бундай муносабатни бартараф этишни талаб қилди. Халқ Комиссарлари Совети санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи Я. Горбунов муносабатни бирмунча ўзгартиришга мажбур бўлди, у А. Икромовга йўллаган хатида (1937 йил, 25 март № 37): «Хато мен томондан тўғриланди, Хуршид фаолиятга жалб этилади», дея ваъда берди. Бироқ А. Икромов, Ф. Хўжаевлар кўп ўтмай қатағонга учрадилар. Хуршидга нисбатан тажовузлар яна қайталаб авж олаверди. 40-йилларга келгач, атоқли санъаткорга ҳужум баланд пилларояга кўтарилди. Энди Хуршид Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби Усмон Юсуповга андуҳли хат ёзди. Бироқ шоир ва драматургнинг оҳи доди писанд қилинмади (хатни ўқиган киши даҳшатга тушади, аъзойини безгак тутади). Ижодкорни муҳофаза этиш, унга ёрдам қўлини чўзиш қаёқда дейсиз, уни «тегишли маҳкамалар»га чақир-чақир бошланди, сўроқлар, дўқ-пўписалар... Аксилинқилобчиликда, миллатчиликда, жадидимизда, Қодирий, Чўлпон, Фитратлар билан ҳамкорликда айблашлар авжга минди... Охир-пировард ана ўша 1946 йилдаги манфур қарор билан буржуа-миллатчилик руҳидаги асарлар яратувчи ижодкор сифатида қораланиб, шаънига «миллатчи» деган тамға урилди ва Ёзувчилар уюшмасидан адиб бадарға этилди. Орадан бир неча йиллар ўтгач, санъаткорлар уни ана ўша Тамара Хоним ҳикоя қилиб берган аянчли аҳволда учратдилар... Шоир, драматург, маърифатпарвар Ўзининг пок шаънига қора тамғалар урилганига асло чидолмади, аламини қаламидан олди:

Дев мисол ғанимлар, ваҳший палитлар,
Кўксимни қуйдириб тамға босдилар,
Ва бўҳтон дорига тортиб, шаънима
«Миллатчи» сўзила «Зуннор» осдилар.
Кимга дод дейман-у бир нажот истаб?!
Ўлгумча қилгум мен оҳу-наволар,
Эл ичра версин деб додим садолар!..

Қушнинг қанотини синдирсанг — парвоз эта олмайди, шоирнинг қаламини, ижодини камситсанг, ҳақоратласанг, унинг маънавий оламига тажовуз қилган бўласан. Элда нақл бор-ку ахир — инсонни жисмоний урсанг — ерга йиқилур, маънавий урсанг — ер қаъригa... Шахсга сиғиниш даврида уни жисмоний ҳам азобладилар, маънавий ҳам эздилар, яратган бирон-бир асарини чоп этмай, саҳналаштирмай қўйдилар. Асаблари ортиқ чидолмади, мия қонтомири ситилиб кетди, беназир қалам соҳиби бу ғамли дунёдан кўз юмди, дарду армони юрагида кетди... Мана бу оҳу-андуҳ тўла сўзларига қулоқ берайлик-а: «Искандар Зулқарнайдан фарқли ўлароқ мен нариги дунёга қўлим бўш кетаётганим йўқ, унда «халқ душмани», «миллатчи» тамғасини олиб кетаётирман...»

Ҳа, унинг қадрига ўлганидан кейин ҳам дурустроқ етолмадик — халқ видолашиши учун унинг жасади ҳатто ўзи бир умр ишлаб келган, Навоий номли театр, Свердлов номидаги томоша залига ҳам ёки Ёзувчилар уюшмасининг йўлагига ҳам қўйилмади. Юқори фирқа қўмитасининг ўша пайтлардаги мафкуравий ишлар бўйича котиби — Хуршид қораланган, «Чиғатой»даги қабристонга кўмишга ижозат берилмайди, яна бунинг устига у «коммунист» эмас, дея важ қилди. Халқ шоирининг қазоияти муносабати билан худди маслакдошлари Фитрат, Чўлпон, Қодирийларга берилмаганидек, матбуотда наинки юқори ташкилотларники, балки тегишли вазирликлар, ижодий уюшмаларнинг «некролог»и ҳам ёритилмади... Адолатсизлик гармсели қуйдирган машҳур санъаткорнинг на 60, 70, 80, 90 йиллиги нишонланмади, бечора «юбилей» завқи, дўстларнинг бунингдек ажойиб кун билан табрик нашъаси нималигини билмай оламдан оҳ чекиб кетган Хуршид мана бундай аламли мисраларни ҳам битиб кетди:

Дўстлар, йиқилмоқ истаса гар гумбази
кабуд,
Оҳим шарорасидан анга айлангиз устун!..

Мана, неча йиллар бўлаяпти, қалам соҳибининг бирон-бир шеърий тўплами ҳам чоп этилганича йўқ, айрим қўлёзмалари чириб йўқ бўлиб кетди. Яқинда қўлимизга драматург ҳусни-хати билан ёзилган, икки шеърий драмаси битилган катта дафтар тушиб қолди — унинг бир қанча варақлари

Нафосат бўстони

ЭЗГУЛИККА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Тарбия муаммолари ҳаммани ташвишга солаётган бир пайтда санъатнинг маънавиятни барқарорлаштиришдаги аҳамияти катта эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Бинобарин, қадриятларимизни тиклашда театр санъати, кино ва мусиқа ҳамда қўшиқ алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 146-ўрта мактаб, «Намуна» маҳалласи ва Йўлдош Охунбобоев номли Республика ёш томошабинлар театри жамоаси ҳамкорликда амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқдир.

Мактаб ва театр ўртасида ҳамкорлик ўрнатилганига икки йил бўлди. 1990 йилда ижодий ҳамкорлик ҳақидаги шартнома тузилди. Бу ишга Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Йўлдошева бошчилик қилмоқда.

— Санъатни, мураббийликни жон-дилимдан севаман, — дейди М. Йўлдошева. — Мен учун бу икки касб эгизакдир. 1939 йилда Тошкент шаҳридаги 1-ўрта мактабни тугатиб, Йўлдош Охунбобоев номли Республика ёш томошабинлар театрида ишлаб келдим. Шу муддат давомида кўпгина ижобий образлар яратдим. Дастлаб турли ёшдаги ўғил болалар, сўнгра забардаст қизлар, Улуғ Ватан урушидан сўнг мунис-меҳрибон оналар сиймосини гавдалантирдим.

Санъатга мактабдаёқ меҳрим тушган эди. 8-синфда ўқиб юрганимда иқтидорли актёр Обид Толипов илм даргоҳимизда драма тўгарагини ташкил этган эди. Бу келажак йўлимни белгилашимда бир туртки бўлди. Менга санъат, саҳна сирларини ўрганишимда, малака оширишимда, элюртга танилишимда кўпгина етук актёрлар билан бир қаторда устозим, турмуш ўртоғим Обид ака Толипов яқиндан ёрдам бериб келдилар. Шунингдек, санъат оламига киришимга меҳрибон отам Йўлдошхўжа ота ва мунис онам Мастонбиби ая яхши шароит яратиб берганликларини шукроналик билан эслайман...

Муҳаббат Йўлдошева болаларга бўлган меҳр-ихлоси туфайли мураббийлик фаолиятини катта завқ-шавқ билан адо этиб келмоқда. Даставвал ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла аҳли ўртасида театр санъатининг бола тарбиясидаги улкан аҳамиятини тарғиб қила бошлади. Аста-секин Муҳаббат ая атрофига ўқувчилар тўпланди. 120 га яқин ўқувчидан махсус комиссия билан бирга тўгарак учун танлов ўтказилди. Бунда ўқувчиларнинг шеърни бадиий ўқиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш қобилиятлари эътиборга олинди. Юздан ортиқ ўқувчидан 60 га яқини танлаб олиниб, мактабда «Наврўз» студияси ташкил этилди.

Студияга ном қўйиш ўзига яраша байрамга айланиб кетди. 1990 йил ўлкамизда Наврўз байрамига қайта жон ато этилди. Мактабда илк бор Наврўз байрами ўтказилди. Мактабда Наврўз байрами арафасида бадиий ҳаваскорлик жамоаси ташкил қилинганлиги учун унинг номини рамзий равишда «Наврўз» театр студияси деб атай бошланди. Театр студиясини ташкил этишда мактаб директори Тоҳир Саъдуллаев, илмий бўлим мудири Малика Барноева, рус тили ва адабиёти муаллими Бекпошша Ражабова каби муаллимлар яқиндан ёрдам беришди.

Маҳалла аҳли, ота-оналар ҳам студия ишига яқиндан ёрдам беришмоқда. Дилноза Қосимова, Нодира Юсупова, Шаҳноза Яҳёева, Хондамир Турғунов, Х. Маъдиев, Маъсуда Юсупова, Улуғбек Қудратов, Музаффар Нуриддинов, Отабек Ҳайдаров каби ўқувчилар студия ишида фаол қатнашмоқдалар.

Болалар «Наврўз» театр студияси ташкил этилганидан бери «Балли, улоқча», «Чип-чип, жўжаларим», «Болажон Наврўз ва шайтонсимон ёвуз» каби спектакллар саҳналаштирилди. Шунингдек, студия қошида доирачилар, мақомчилар, «Кичкинтойлар», «Раққосалар» гуруҳлари ҳам фаол иш олиб бормоқда. Мазкур гуруҳларга 1—11-синф ўқувчилари қатнашиб келмоқда.

Турли доираларда ўтказилаётган кўрикларда ёш санъат ғунчалари мувафақиятларга эришишмоқда. Шу йил февраль — март ойларида Тошкентда ўтказилган «Илҳом чашмалари» кўригида мақомчилар гуруҳи биринчи ўринни эгаллади.

«Камалак — 92» драма тўгараклари кўригида «Наврўз» театр студияси муаллиф Мирзакарим Бобоевнинг «Болажон Наврўз ва шайтонсимон ёвуз» спектакли билан қатнашди ва иккинчи даражали диплом билан тақдирланди. Апрель ойида Республика ёш томошабинлар театри биносида Собир Раҳимов районидаги 196-ўрта мактаб ва 146-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиларининг «Иқбол» кўриги ўтказилди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, агар шу мактаб маъмурияти ва муаллимлар тарбия ишига муҳаббат билан ёндашсалар ва санъатга чиндан ихлос қўйсалар, билим масканида одоб-ахлоқ яхшиланишига муносиб ҳисса қўшилади, боз устига адабиётга қизиқиш янада ортиб, санъат соҳасида иқтидорли ёшлар етишиб чиқади.

Тўгаракнинг фаол аъзоларидан бири, 7-синф ўқувчиси Дилнозахон Қосимованинг қуйидаги сўзлари фикримизнинг далили бўла олади:

— Мен 1989 йилдан бошлаб театр студиясига қатнашиб келмоқдаман. Шу давр мобайнида устозларим Муҳаббат Йўлдошева ҳамда мусиқа раҳбари Обиджон Ҳакимов бошчилигида кўпгина спектакларда роллар ижро этдим. Устозларим маҳоратим ошишига ёрдам беришмоқда. Спектакларда роллар ижро этиш билан бирга кичик раққосалар гуруҳига бошчилик қилмоқдаман. Келгусида Муҳаббат опага ўхшаш актёр бўлишни ният қилганман...

— Биз, — дейди мактаб директори Тоҳир Саъдуллаев, — болалар яхши ўқиш билан юксак дидли, иродали, ҳалол, одобли, имон-эътиқодли бўлишларига ёрдам бера олсак, деймиз. Зотан, санъат билан ошнолик эзгуликка хизмат қилади.

М. ТУРОПОВА,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги Жумҳурият ўқув-методика маркази тарбия бўлимининг етакчи методисти.

К. САИДУМАРОВА,
биринчи тонфали методист.

АЖОЙИБ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

МУЗ ОСТИДА 200 МИНГ ЙИЛ

Гренландия муз қопламини пармалаш ажойиб илмий тажриба бўлди. Уни Европанинг саккиз мамлакати (Бельгия, Дания, Франция, Исландия, Италия, Швейцария ва Буюк Британия) мутахассислари ҳамкорликда амалга оширдилар. Уч йиллик олиб борилган ишлардан сўнг ниҳоят шу йилнинг ёзида пармаловчилар 3028,8 метр чуқурликда тоғ жинсларига етдилар. Гляциологлар эндиликда чуқурликдан диаметри ўн сантиметр бўлган кўпдан-кўп муз парчаларини олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Энг қадимги муз қатламлари бундан 200 минг йил муқаддам ҳосил бўлабошлаган. Жаҳон табиий иқлимининг ўзига хос архиви бўлган бу намуналарни тадқиқ қилиш туфайли мутахассислар планетанинг 200 минг йил оралиғи даврларидаги ўртача ҳароратини аниқлайдилар, ўша даврлардаги атмосферада юз берган алмашувлар, шунингдек вулқонлар активлиги ва атмосфера таркибидаги кимёвий ўзгаришлар тўғрисида янги ахборотлар оладилар.

Муз ҳосил бўлишида унинг таркибидаги ғовакларда сақланиб қолган ҳавонинг таркиби эса газларнинг йиғилиб зичлашишидаги табиий тебранишни тадқиқ этишга имкон беради. Ана шу туфайли иқлимшуносларга планета иқлимини инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган даражада ўзгартиришни моделлаштира оладилар.

●

ЧОЙ РАКНИНГ КУШАНДАСИ

Япон олимларининг маълум қилишича, кўк чойни мунтазам истеъмол қилиш рак билан касалланишни камайтиради. Тадқиқотчилар гуруҳи бошлиғининг айтишича, кўк чой таркибидаги моддалар танадаги рак хужайраларига таъсир этади ва шу тариқа касалликнинг ривожланишига тўсиқ бўлади.

●

НИКОТИН — ЧЕКИШДАН ҚУТИЛИШ ВОСИТАСИ

Буюк Британияда тамаки чекишга қарши курашнинг янги усули клиник текширувдан муваффақиятли ўтди. Бу том маънода никотинга кимёвий муносабатдир.

Махсус никотинли резина сақич чекувчи организмининг тамакига «талаби»ни камайтирибгина қолмай, балки унга бўлган «эҳтиёж»ни бутунлай йўқотади. Никотинли резина сақичдан фойдаланган киши бир-икки ҳафта давомидаёқ чекишни мутлақо тарк этади.

Муштарийлар хатларига шарҳлов

ФИКР ЭЛАГИДАН ЎТКАЗИБ

Таҳририятимизга келаётган хатлар мазмунидан сезиш мумкинки, турғунлик йилларида ўқитувчининг мавқеи пасайган. Энди уни юқори поғонага кўтаришнинг пайти келди. Ўқитувчи — ўргатувчисиз тараққиётнинг олдинга силжиши қийин. Чунки устозларда одамийликка хос жамики фазилатлар мужассам. Улар ҳам меҳрга, мурувватга муҳтож бўладилар.

Қашқадарёлик журналист Фахриддин Бозоров «Менинг учқур каптарчаларим» сарлавҳали очеркида бу хусусда шундай фикр юритади: «Биздa кишиларга ҳурмат-эҳтиром деган нарсалар бор, инсоннинг қилган меҳнатини қадрлаб, унга ташаккур билдириш каби расм-русумлар бор. Лекин негадир Қарши районидаги Суворов номли мактабда бу нарсалар унутилиб кетган кўринади. Чунки олтмиш баҳорни қаршилаб, гул умрининг 42 йилини маориф иши учун сарфлаган инсон Баҳри ака Имомов сип-силлиқкина пенсияга кузатилди. Биров билди, биров билмади».

Ана оқибат...

Устоз, мураббийларимизнинг фазилатлари, ўқитиш, таълим-тарбия бериш услублари, муаллимларнинг оила, маҳалла-қўйдаги ўрни, уларнинг фарзандлари, шогирдлари ҳақида муаллифлардан А. Бобоназаров, Ш. Тоғаева, И. Эшбеков, М. Раҳмонов, А. Исажонов, Д. Асатова, Ғ. Раҳмонов, А. Элмирзаев, Қ. Ҳожиев, П. Исматов, Т. Раҳимова, Н. Умаров, А. Бузруков, З. Абдукаримова, С. Салоҳиддинов, А. Йўлдошев, Н. Ҳайдаровлар қалам тебратишган.

Муштарийларимиз — ҳақкулободлик С. Қамбаров, когонлик С. Аслонов, риштонлик А. Бойжигитов, тошкентлик М. Юнусова, Ҳ. Азимов, хивалик П. Отажонов, қўқонлик З. Тошпўлатова, жиззахлик Э. Ғуломов, пойариқлик Т. Эргашев, қаршилик З. Умурқуловалар ўқитиш жараёнини такомиллаштириш йўллари, ўқувчиларни фанга қизиқтириш борасидаги иш тажрибаларини баҳоли қудрат баён этганлар.

Табийки, таҳририятга хат йўллаган муаллифлар ўз фикр-мулоҳазаларини бошқалар билан баҳам кўргиси келади. Бироқ ҳамма нарсада сир-синоат бўлганидек, қаламкашликнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бўлади. Қоғоз қораланди, у рўзномада чиқмоғи даркор, дейдиганлар қаттиқ янглишишади. Қалам аҳлидан эътиборга лойиқ, шаклан ва мазмунан янги мақола ёзиш учун бетиним меҳнат, ижодий изланиш, педагогик маҳорат талаб этилади.

«Маърифат» рўзномаси республикамиз маорифчиларининг, бошқа жумҳуриятлардаги ўзбек мактаблари муаллимларининг ягона минбари ҳисобланади. Унинг саҳифаларида ўқитувчиларнинг дарди, қувончи, ўй-ташвишлари, бола тарбиясига оид маслаҳатлари, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш борасидаги мулоҳазалари — барча-барча таклифу истаклари акс этади. Рўзномамизнинг таклиф ва мулоҳазалар рукнига ўзларининг услубий тавсиялари, фикрлари билдирилган мақолалар ҳам жуда кўп келади. Жумладан, А. Эргашев, Р. Ҳамидов, Б. Суюндиқов, Л. Шарипов, Ш. Отақулов, М. Жўраев, Б. Бойқўзиев, Н. Султонов, Б. Эрназаров, П. Матназарова, А. Қодиров, А. Саримсоқов, У. Дадажонов, Қ. Тошбоев, А. Содиқов, Т. Маматалиева, К. Ҳайдаров, У. Исматов, Н. Ражабов, А. Сайдазимов, Ш. Мардонов, С. Равшанов, Н. Қобулов, С. Чориева, М. Исмоилов ва бошқалар айнан шунга ўхшаш ҳамда таълимда сифат ўзгаришига қараб иш тутиш, илм масканларида ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш, ўқувчиларга эрталабки нонушта эмас, тушки овқат бериш каби мавзуларда қалам тебратганлар.

Ҳар бир мактуб қатида инсон тақдири, устоз, ўқитувчи сиймоси гавдаланади. Бироқ айрим муаллифларнинг қоғозга тўкилган сатрларида бирон-бир нарсадан кўнгли тўлмаслик ҳоллари учрайди. Масалан, Навоий районидаги 4-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси М. Туробов шундай ёзади:

«Ҳурматли бош муҳаррир!

Мен бир неча марта рўзномангизга (!) мактуб йўлладим (бу — бешинчиси). Хат, мақолалар хатлар бўлимига борган, аммо уларнинг бирортаси ҳам рўзномада эълон қилинмади, босилмади. Нима учун?!».

Сезгир муштарий пайқаганидек, ҳамма гап ана шу эҳтимолда, шубҳада. Бу ҳақда илгариги шарҳларимизда ҳам кўп гапирганмиз. Ёзинг, фақат мақолаларингиз ходимлар чиғириғидан ўтиши хусусида ҳам ўйланг!

Рўзномада ишлаётганларнинг қалби йўқ, хатларимизга эътиборсиз, лоқайд дегувчилар адашишади. Чунки улар муаллимлар, тарбиячиларнинг ўй-ташвишлари билан ҳамиша ҳамнафас. Ўқитувчиларни ташвишлантираётган масалаларни раҳбарларга етказишга, етилган муаммоларга жамоатчилик фикрини уйғотишга жонкуярлик қилишади.

Хатлар шарҳи баҳона биз ҳам ўз фикримизни айтиб олдик. Зеро, фикр шарҳлови адолатни юзага чиқаради. Биз ҳамиша яхши мақолаларга муҳтожлик сезамиз. Ёзинг, юборинг, фақат уларни фикр элагидан бирма-бир ўтказиб олишни унутманг.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
мактаблар бўлими мухбири.

Талабалар шаҳарчасида кўпгина умумий овқатланиш шахобчаларини ишлаб турибди. Суратда: қандолатчи Баҳодир Холмирзаев, Муҳайё Аюпова ва Зарифа Мирахмадҳожиевалар ёшлар севиб тановул қиладиган ширинликларни тандирдан олишмоқда.

Суратқаш А. АКМАЛОВ.

Қутлайиз!

Ҳурматли Содиқ ТЎЛАГАНОВ!

Сиз 37 йилдан буён Юнусобод районидаги 273-ўрта мактабда ўқувчиларга мозий ҳақида тушунча бериб келаяпсиз.

Қўшалоқ қувонч, яъни 60 ёшга тўлишингиз ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси» нишони соҳиби бўлишдек бахт кўнглингизни ҳаяжонга солаётган ушбу онларда жамики фарзандларингиз, келину набираларингиз Сизни чин дилдан муборакбод этади, Оллоҳдан Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаб қолади.

МУСАВВИР-МУАЛЛИМ

Ҳар бир касбнинг ўз фидойилари, кўз қорачиғидек ардоқлайдиган усталари, элга танитадиган билимдон, уддабуро кишилари бўлади.

Қашқадарё вилоятидаги тасвирий санъат муаллимлари ўртасида Йўлдош Охунбобоев номидаги Қарши педагогика билим юртининг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Узоқ Боқиевнинг номи катта ҳурмат билан «мусаввир-муаллим», деб тилга олинади. Чунки салкам 30 йилдан буён Узоқ Боқиев мусаввирлик ҳунари бўлатуриб, ўтган даврдаги оғир шароитда ҳам муаллимликни тарк этмади. Муаллимликка эътиқоди баландлигидан бўлса керак, Узоқ Боқиев ҳамиша талабалар орасида бўлди. Кузатишларим жараёнида унинг бирор марта шогирдларига терс гапирганини, «вақтим йўқ» деганини эшитмаганман. У ўқувчига ҳам, талабага ҳам, малака ошираётган ўқитувчиларга ҳам ўзида борини аямасдан тушунтиришга интилади.

Унинг доимий ҳамроҳи қалам ва кичик альбомчадир. Дўстлар суҳбати ҳам, сайр ва саёҳатлар ҳам, машғулотлар орасидаги танаффус ҳам устоз-муаллим учун ижодий имконият ҳисобланади. Вақт топди дегунча портрет, ҳажвий сурат, китоб саҳифаларига безаклар ишлайди. Умрининг 50 баҳорини қаршилаётган Узоқ Боқиев 39 йилдан буён, яъни 4-синф ўқувчилигидан бошлаб эл назарига тушди. 11 ёшлик бола синф ва мактаб деворий рўзномасини безатиш, севимли ўқитувчилари учун кичик-кичик кўргазмали қуроллар тайёрлаш, чизма ва жадваллар ишлаб бериш билан кўзга ташлана борди.

— У пайтларда, — дейди Узоқ Боқиев, — малакали тасвирий санъат ўқитувчисининг йўқлиги биз учун катта армон эди. Шунинг учун асосан рўзнома ва ойномалардан, бадиий асарлардан кўчириб расм ишлаш билангина қаноат ҳосил қилардик...

Шу боисдан бўлса керак, у Қарши давлат педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси ва расм куллиётида ўтган талабалик йилларидан миннатдор. Талабаликка қабул қилинган куни биринчи фазогир Ю. А. Гагариннинг портретини ишлаб олқиш

Виждонан меҳнат қилаётганлар

олганлиги унинг ҳаётидаги энг қувончли кунлардан бири бўлганди.

Ёш рассомнинг талабалик йиллари Қарши чўлини ўзлаштириш даврига тўғри келди. Шунинг учун ҳам, институтнинг кўп нусхали «Совет педагоги» ва вилоят рўзномаси — «Қашқадарё ҳақиқати»да унинг чўлга ҳужум туркумидаги 200 дан ортиқ асари босилиб чиқди. «Чўлга нур келди», «5-насос станцияси», «Бош телеграф биноси», «Чойхонада дам олиш», «Қурувчи Азим Чориев портрети» каби асарлари билан ёш мусаввир ўз мухлисларини топа бошлади. Сурхондарё вилоятининг Денов ноҳиясидаги «Ҳазорбоғ» давлат хўжалиги клуби безаклари ҳашарчи рассомдан эсдалик бўлиб қолди.

Ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услуби бўлганидек, Узоқ Боқиевнинг ҳам ижоди бошқалардан ажралиб туради. Унинг «Ўзбекистон жумҳурияти — Мустақил», «Ҳосил байрами», «Билим юртида Наврўз», «Бригада бошлиғи Мейлиҳол Ғуломнабиева», «Ўқитувчи Муҳаммади Бозоров», «Шифокор Расул Арслонов», «Донгдор чўпон Рашид Жабборов», «Оқсарой», «Толлимаржон ГРЭСи» каби асарлари ҳақиқатан ҳам ижодкор ижодий кўламининг кенглигини кўрсатади.

Мусаввир-муаллим Қарши шаҳридаги Муқимий номли 7- ва Қурбон Ўлжабоев номли 25-ўрта мактабларнинг ўқувчилари билан тез-тез учрашиб туради. У мазкур мактабларнинг ўқувчиларини тасвирий санъатга қизиқтириш борасида ибратли ишларни олиб бормоқда.

Ўқитувчи «Бадиий безаш» тўгараги ташкил этган бўлиб, унинг аъзолари фан кабинетлари, ўқув залларини безатишда катта ишларни бажармоқдалар. Энг муҳими эса, талабалар ўз касблари бўйича ҳаётга тўла тайёр бўлиб чиқмоқдалар. Улар дарс учун кўргазмали қуроллар-ни бемалол тайёрлай оладилар.

Бугунги кунда мусаввир-муаллимнинг шогирдлари ўзи билан ёнма-ён ва вилоятдаги халқ таълими тармоқларида ёш авлодга тасвирий санъат сирларини ўргатиш борасида самарали ишламоқда.

Ж. ЖИЛОВОВ,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

«ТАҚДИРИМГА ШУКР...»

Хоразм ойнаи жаҳон кўрсатувларини томоша қилаётгандим, навбатни шоирларга беришди. Бир йигит, қора кўзойнакли, ҳазин оҳангда шеър ўқий бошлади. Рамзий ифодалар, истиоралар бўлакча...

У Фарғона вилоятининг Қува ноҳиясида туғилган, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳини тамомлаган, Москўпда ўқиган, ҳозир эса Урганч ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини бошқараётган — Комил Азиз экан. Кўзлари ожиз бўлишига қарамай, ўзига хос бастакорлиги яна ҳам диққатимни тортди. Шеърлари ҳақида эса ўзингиз ҳукм чиқаринг, деб айримларини эҳтиром билан эътиборингизга ҳавола этаман.

Сафо ОЧИЛ.

СЕН ЎША

Сен ўша, болалик чоғлар энтикиб,
Эртаклар қатидан излаб қолганим.
Сен ўша, орзуманд ўсмирлик йиллар,
Сирдош ўртоғимга сўзлаб қолганим.
Сен ўша, гулларнинг ифорли бўйи,
Баҳор нафасила қалбимга кирган.
Сен ўша йигитлик орзуси бўлиб,
Беқиёс дард бўлиб тушимда кўрган.
Не-не гул қизларда изладим сени,
Не-не гўзалларда топа олмадим.
Не-не соҳибжамол паривашларни
Нечун, билмам, сенга ўхшатолмадим.
Сен ўша, гўзаллик, севги тимсоли,
Умрим бўйи излаб юрганим аёл.
Табиат яратган бир азиз вужуд,
Инсон ҳам бўларми бунча баркамол.
Сен Лайли — Ширинмас, улар бир эртак,
Менинг олдимда ҳам Мажнун шарманда.
Бизга муҳаббатдек бир буюк туйғу,
Насиб этмиш севги отли чаманда.
Умрим ўтиб борар жилғадай оқиб,
Аммо ачинмайман бу учун зарра.
Зеро, сени топдим, ҳам севдим қониб,
Тақдиримга шукр, шукр минг карра.

СИР БУ

Бу кун кўнглим юксак, мунаввар,
Бу кун олам ёруғ, муаттар.
Севгим ўзи этган тадбир бу,
Мен билган ва сен билган сир бу.
Шеърим қувноқ, ширин куйларим,
Хаёлим соз, порлоқ ўйларим.
Ишқ кўнглида қилган таҳрир бу,
Сен билган ва мен билган сир бу.
Бахт кўкида парвоздаман мен,
Муҳаббатдан эъзоздаман мен,
Ишқу рашким этган таъсир бу,
Мен билган ва сен билган сир бу.
Сўзларимдан билсинлар, майли,
Юзларимдан билсинлар, майли.
Тангри насиб этган тақдир бу,
Мен билган ва сен билган сир бу.

Комил АЗИЗ.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати ва касаба уюшмаси лабораториянинг илмий ходими **Людмила Викторовна ЛАНГЕРни** бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32--78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-358. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тираж 44521.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12